

PROSPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT IN ANDIJAN REGION

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Sariqulov Mirkomil.

Teacher in Andijan State Pedagogical Institute

Abdupatteyeva Muslima.

Student of Andijan State Pedagogical Institute

Sariqulov Mirkomil.

Андижон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Abdupatteyeva Muslima.

Андижон давлат педагогика институти –талабаси

Abstract

This article analyzes the development prospects of tourism in Andijan region, the economic importance of tourism development, and the ongoing work on the development of the tourism industry in our country.

Аннотация

Мазкур мақолада Андижон вилоятида туризмнинг ривожлантириш истиқболлари, туризмни ривожлантиришни иқтисодий аҳамияти, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган.

Аннотация

В данной статье анализируются перспективы развития туризма в Андижанской области, экономическое значение развития туризма, а также проводимая работа по развитию туристической отрасли в нашей стране.

Keywords: tourism, infrastructure, service, advertising, tourist center, opportunities for tourism development in Andijan region.

Калит сўзлар: Туризм, инфратузилма, сервис, хизмат кўрсатиш, реклама, сайёҳлик маркази, Андижон вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари.

Жаҳон мамлакатлари орасида туризмни ривожлантириш, туризмдан тушаётган даромадлар ва туризмни ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар олиб борилмоқда. Туризм соҳаси барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий омил бўлиб хизмат қилади. Туризм транспорт хизмати, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган.

Республикамызда туризм соҳасини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан бир қанча чора-тадбирлар ишлаб ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 4 октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилотига Маркази Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишларига учун кенг имкониятлар яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 5611 сонли қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан туризмни ривожлантириш ва савдо сотиқни кенг йўлга қўйиш имкониятлари яратилди.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш борасида бирқанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Туризмни ривожлантириш борасида ҳар бир вилоят, шаҳар, туманлар миқёсида ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар шуни кўрсатадики туризмдан тушаётган даромад бошқа соҳаларга қараганда Республикамызда туризмни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара беради Туризм борасида мамлакатлар орасида Европа мамлакатлари, айниқса Франция алоҳида ажралиб туради. Франциядан кейинги ўринда Италия, Испания, Туркия каби мамлакатлар ўрин олган. Туризмни ташкил этишда биринчи навбатда сайёҳларга етарлича хизмат кўрсатиш, замонавий меҳмонхоналар ва сайёҳларни жалб қила оладиган табиий ёки тарихий масканлар, музейлар,

йирик тарихий иншоатлар бўлиши керак. Туризмни ривожлантиришнинг асосий манбаи бу-рекламадир. Жумладан Фарғона водийсида туризмни ривожлантириш мақсадида ягона инфратузилмани ташкил этишимиз керак. Яъни реклама орқали туристлар мамлакатимизга ташриф буюриши билан уларни кутиб олиш, замонавий транспортларни жалб этиш, меҳмонхоналарга жойлаш ва туристик объектларга сайёҳат қилдириш кабиларни ташкил этиш керак. Туризм борасида мамлакатимизда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарлар олдинда туради. Мазкур шаҳарларда йирик меҳмонхоналардан тортиб, кичик хостеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, хушманзара жойлар ва кичик хунармандчилик дўконларигача бўлган жойларни қамраб олади. Туризм инсонларда мароқли дам олиш билан биргаликда кенг дунё қарашни шакллантиради. Жаҳон тадқиқотларида туризм соҳасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар илмий тадқиқотларида туризм соҳасини уларнинг иқтисодийётига, ижтимоий соҳасига, экология ва бошқа соҳаларга таъсири ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Жумладан, Андижон вилоятида ҳам туризмни ривожлантириш борасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Вилоятимизда туриз йўналишларини биз 3-группага ажратишимиз

- 1) Табиий рекреацион объектлар
- 2) Иқтисодий-ижтимоий объектлар
- 3) Диний объектлар.

Ҳозирги кунда вилоятимизда туризм салоҳиятини ривожлантириш учун ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдалиниш асосида туризмни ривожлантиришимиз зарур. Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) берган маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2017 йилда 8,3 трлн АҚШ доллорига тенг бўлган бўлса 2021 йилда 10,4% га етган. Жумладан, Андижон вилояти ҳам ажойиб таомлари(айниқса ош) ноёб маданий мерослари, нодир табиат гўшалари ва диний объектлари

билан машхур.. Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Андижон вилоятида ҳам туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларининг оширилгани, туманларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтирда катта рол ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган. Қарордан келиб чиққан ҳолда унда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда янги тушунчалар киритилди, туризм бўйича давлат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди.

Андижон вилоятида жойлашган туризм объектлари: **БОБУР МИЛЛИЙ БОҒИМАЖМУАСИ – “БОҒИБОБУР”** Андижон шаҳрининг жанубий-шарқида, марказдан 8 км узоқликда. 1993 йилда давлат арбоби, моҳир саркарда ва атоқли шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллиги муносабати билан бунёд этилган. Бобур жамоатчилиқ фонди, Бобурийлар тарихи ва Жаҳон маданияти музейи, Андижон шаҳрсозлик музейи, обсерватория ва миллий парк, кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Умумий майдони 300 га

ПОНСОД МАСЖИДИ. Шаҳрихон шаҳрида жойлашган. Андижон шаҳридан 27 км узоқликда XIX аср бошларида қурилган. Масжид, намозхона ва минорадан иборат. Масжид шарқона усулда безатилган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ. Андижон шаҳрининг Эски шаҳар қисмида жойлашган. Фарғона водийсидаги бой тарихга эга бўлган илмий - маърифий маскан. 1934 йилда ташкил этилган. Музей хазинасидан ўлка тарихи ва табиатини акс эттирувчи 68 мингдан зиёд археологик, нимузматика ва этнография ёдгорликлари, ноёб архив ҳужжатлари, қолёзма асарлар, фотоматериаллар ва бошқа музей ашёлари, коллексиялари жой олган.

ЖОМЪЕ- меъморий мажмуаси (мадраса, минора ва хонақоҳ) 1885-1892 йилларда хаканлик Муҳаммадалибой (Мамталибой) томонидан қурилган. Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида жойлашган. 1902 йилдаги Андижон zilzilасида омон қолган ноёб меъморий ёдгорлик. Мадрасада XIX асрнинг охири - XX аср бошларида мударрислар, имом ва фикршунослар таёрланган. 1974 йилда таъмирланиб, давлат муҳофазасига олинган. Хозирда Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи жойлашган

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ. Андижон шаҳри марказида жойлашган. 1934 йилда ташкил этилган. 1997-2000 йилларда боғбутунлай қайта қурилиб, кўкаламзорлаштирилган. Бугунги кунда вилоят меҳнаткашлари ва меҳмонларнинг севимли дам олиш масканларидан бири саналади.

БУРГУТ ҲАЙКАЛИ. Андижонликларга хос шижоат, мардлик тимсоли сифатида 1933 йили шаҳарлик усталар томонидан меҳнаткашларга совға тариқасида бунёд этилган. Андижон ёшлари ва меҳмонларнинг севимли дам олиш маскани -Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ичида жойлашган. 2000 йилда қайта таъмирланган. Унга уйғунлаштирилиб қурилган “Амфитеатр”да байрам тантаналари ва бошқа кўнгилочар тадбирлар ўтказилади.

“ПЛАЗА” МЕҲМОНХОНАСИ. Кейинги йилларда жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган меҳмонхоналардан бири - 2009 йилда қурилган

ДЕВОНАБОЙ ЖОЪМЕ МАСЖИДИ. XIX асрнинг охирида қурилган. Андижон шаҳрининг Эски шаҳар қисмида жойлашган. Масжиднинг кириш қисми гумбазсимон бўлиб, қўш томонида миноралар кўтарилган. Минора ва масжид пештоқлари шарқона безаклар билан безатилган.

МИНГТЕПА АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИ. Марҳамат шаҳрининг шарқий қисмида жойлашган. Андижон шаҳри марказидан 38 км узоқликда жойлашган. Мил.ав. III- I асрларда Эрши – Мингтепа Довон (Фарғона) давлатининг энг йирик шаҳарларидан бири саналган. Хитой ёзма манбаларида тилга олинган “Буюк ипак йўли”да жойлашган.

Хунармандчилиги, деҳқончилиги ва “самовий тулпорлари” билан дунёга машҳур бўлган. Мингтепа кўхна шаҳар харобаси макети

Адабиётлар рўйхати:

1. Abduganiev O. I., Turdiboyeva S. Estimation of ecological-economic condition of territories (on the example of Ferghana regions) // Экономика и социум. – 2019. – №. 5
2. ҚЎЗИБОЕВА, О., & ХАМИДОВА, Н. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН РАЙОНЛАШТИРИШИ. Бахтинур АБДУЖАББОРОВ.
3. Қўзибоева О.М., Ҳамидов А.А. Фарғона водийсида табиий географик районлаштириш ишларини такомиллашуви // Янгиланаётган Ўзбекистонда география: фан, таълим ва инновация. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2021. -Б. 80-84.
4. Қўзибоева О., Исроилова О. Иқлим ўзгариш шароитини Жанубий Фарғона дарёларининг сув режимига таъсири // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 32-35.
5. Қўзибоева О., Назаров Х., Исроилова О. Жанубий Фарғона иқлим кўрсаткичлари ва ер ости сувлари динамикасини ландшафтларга таъсирини тадқиқ этиш // Комплекс географик тадқиқотлар: инновация ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси. – Андижон, 2022. -Б. 29-31.
6. Хўжаев В., Қўзибоева О. Географическая оценка природной среды // Борбордук Азиядагы эл аралык мамилелердин, гуманитардык жана табиғый илимдердин актуалдуу проблемалары: учурдагы абалы жана келечектери. Международная конференция. – Ош (Кыргызтан), 2019. - С. 317-321.
7. Кузибоева О.М., Хамедов А. Развитие географических основ для оптимизации геоэкологических ситуаций юго-западной Ферганы //

- Экономика и социум. №1(92), 2022. -Б. 2-6. (11.00.00; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари нашрлари №11).
8. Қўзибоева О.М. Фарғона ботиғи ландшафтларини замонавий усулларда тадқиқ этиш ҳамда улар асосида ландшафтлардаги ўзгаришларни баҳолаш // Фан ва жамият. 3-сон. –Нукус, 2021.-Б. 32-34. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 9. Қўзибоева О., Расулов Э. Фарғона ботиғини геоморфологик тузилишини ўрганиш // Фан ва жамият. 3-сон. – Нукус, 2021. -Б. 34-36. (11.00.00; Миллий нашрлар №10).
 10. Қўзибоева О. // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 216-218. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 11. Қўзибоева О., Ҳамедов А. Жанубий-ғарбий Фарғона ландшафтларини тадрижий ўзгариши билан иқлимий кўрсаткичларни ўртасидаги боғланишлар // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/1/1-сон. Тошкент, 2021 -Б. 282-284. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 12. Qo‘ziboyeva O., Sobirova N.Farg‘ona vodiysi landshaftlarining rivojlanish tendensiyasini o‘rganilish tarixi // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2021, 5-son. -B. 74-77. (11.00.00; Milliy nashrlar №4).
 13. Қўзибоева О. Худуд ландшафтлари тадрижий ўзгаришлари билан иқлимий кўрсаткичларининг ўртасидаги боғланишлар таҳлили // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2-сон. –Тошкент, 2021. -Б. 184-186. (11.00.00; Миллий нашрлар №7).
 14. Мелиев Б., Қўзибоева О. Ландшафтларни тадқиқ этишнинг замонавий усуллари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. №3/2. Тошкент, 2021. -Б. 195-197. (11.00.00; Миллий нашрлар № 7).
 15. Qo‘ziboyeva O., Meliev B., Do‘sbekov S. Farg‘ona vodiysi janubiy-g‘arbiy qismidagi o‘simliklar dinamik (fenologik) o‘zgarishining landshaft indikatsion tahlili // Samarqand davlat universiteti ilmiy tadqiqotlar

- axborotnomasi. – Samarqand, 2021. 3-son.-B. 108-113.(11.00.00; Milliy nashrlar №4).
- 16.Kuziboyeva O. Landscape – Land reclamations approach in the study of conical landscape complexes // The American Journal of Applied Sciences.2020. SJIF:5.276. -P. 1-6. (Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар. CrossRef №35, Journal Impact Factor №2).
- 17.Kuziboyeva O. Issues of optimization of geocological situation in Fergana Valley // Multidisciplinary Peer Reviewed journal. Volume 6, Issue 11, 2020. -P. 445-450.(Йирик нашриётлар ва маълумотлар базасига эга нашрлар.Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor №16).
- 18.Khamidova N. N. Speech exercises as a necessary component of the formation of the communicative personality of students in teaching foreign languages”. Английский язык в сфере профессиональной Коммуникации vii всероссийская молодежная научная конференция Kazan. 2021
- 19.Sevinch, N. (2022). ANALYSIS OF TRANSLATION PROBLEMS OF ENDEARMENT TERMS. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI, 359-362.
- 20.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "THE ORIGIN OF THE CATEGORY OF INTENSITY IN LINGUISTICS AND STAGES OF ITS DEVELOPMENT." In ПРИКЛАДНАЯ ЭЛЕКТРОДИНАМИКА, ФОТОНИКА И ЖИВЫЕ СИСТЕМЫ -2021, pp. 549-551. 2021.\
- 21.Raskhodova, I. A., and N. N. Khamidova. "FEATURES OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN LINGUOCULTURE." In Современные проблемы филологии, педагогики и методики преподавания языков, pp. 140-142. 2020.
22. Khamidova, N. N. Effectively engaging text as a basic unit of communication in EFL in learner centered classroom / N. N. Khamidova, I. A. Raskhodova // Английский язык в сфере профессиональной

коммуникации : Сборник тезисов докладов VII Всероссийской молодежной научной конференции, Казань, 15 ноября 2021 года. – Казань: ИП Сагиева А. Р., 2021.– Р. 136-137. – EDN OFMMJB.